



**Бирлашган миллатлар ташкилоти
Европа Иқтисодий Комиссиясининг
(БМТ ЕИК) ёнғоқ мағзининг
маркетинг ва тижорат сифатини
назорат қилиш бўйича стандарти**



ЭСЛАТМА

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг тижорат сифат стандартлари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа иқтисодий комиссияси томонидан қишлоқ хўжалигининг сифат стандартлари бўйича ишчи гуруҳи орқали ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Ушбу халқаро стандартлар савдо-сотиқни ривожлантириш, юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, рентабелликни ошириш ва истеъмолчилар манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам беради. Улар ҳукуматлар, ишлаб чиқарувчилар, савдогарлар, импорт қилувчилар ва экспорт қилувчилар, шунингдек халқаро ташкилотлар томонидан қўлланилади. Стандартлар янги мева ва сабзавотлар, қуритилган маҳсулотлар, уруғлик картошка, гўшт, гуллар, тухум ва тухум маҳсулотларини ўз ичига олган кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотларига қўлланилади. Грек ёнғоғи мағизлари стандартининг тушунтириш ҳужжати ушбу стандартнинг ягона талқинини таъминлаш учун ишлаб чиқилган ва шу билан халқаро ва ички савдони ривожлантиришга ҳисса қўшади. Ушбу стандарт ишлаб чиқарувчилар ва савдогарлар, шунингдек назорат органлари учун мўлжалланган.

Қишлоқ хўжалигининг сифат стандартлари бўйича ишчи гуруҳ фаолиятида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг барча аъзолари иштирок этишлари мумкин.

Қўшимча маълумотлар олиш учун бизнинг <http://www.unece.org/trade/agr/welcome.html> сайтимизга мурожаат қилинг.

Ушбу нашрда ишлатилган белгилар ва материаллар БМТ Котибиятининг бирон бир мамлакат, ҳудуд, шаҳар ёки минтақанинг ёки уларнинг ҳокимиятларининг ҳуқуқий ҳолати, ёки чегараларни белгилаш ёки демаркация қилиш борасидаги қарашларини ҳеч қандай тарзда англатмайди. Компания номлари ёки тижорат маҳсулотларининг зикр этилиши Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан қўллаб-қувватланишини англатмайди.

Муаллифлар кўрсатилган тақдирда материалларни қайта босмадан чиқариш ва улардан цитата келтиришга рухсат этилади.

Ҳар қандай саволларингиз ёки изоҳларингиз бўлса, қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:

Қишлоқ хўжалигидаги сифат стандартлари бўйича ишчи гуруҳ
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Европа иқтисодий комиссияси
Миллатлар саройи

СН-1211, Женева 10, Швейцария

e-mail: agristandards@unece.org

МУНДАРИЖА

I. МАҲСУЛОТ ТАЪРИФИ	1
II. СИФАТИГА ТЕГИШЛИ ҲОЛАТЛАР	4
III. ЎЛЧАМИГА ТЕГИШЛИ ҲОЛАТЛАР	10
IV. ҚЎЙИМЛАРГА ТЕГИШЛИ ҲОЛАТЛАР	14
V. МАҲСУЛОТНИНГ ТАШҚИ КЎРИНИШИГА ТЕГИШЛИ ҲОЛАТЛАР	18
VI. ЁРЛИҚЛАНИШИГА ТЕГИШЛИ ҲОЛАТЛАР	24
ИЛОВА: БМТ ЕИКнинг ёнғоқ мағзининг маркетинги ва тижорат сифатини назорат қилиш бўйича DDP-02 стандарти	28




Изоҳ: Ушбу ҳужжатда стандартнинг расмий матни оддий шрифтда кўрсатилган; шарҳ матни курсив билан кўрсатилган. Визуал фотосуратларга ҳаволалар қалин шрифтда кўрсатилади. Стандартнинг тўлиқ матни изоҳсиз иловада берилган

ТАШАККУРНОМАЛАР

БМТ ЕИК ушбу нашрни ишлаб чиқишда қўшган ҳиссаси учун Қуруқ ва қуритилган маҳсулотларни стандартлаштириш бўйича ихтисослашган бўлимнинг барча вакилларига миннатдорчилик билдиради

БМТ ЕИК шунингдек, Калифорния Ёнғоқ Комиссияси ва Калифорния Ёнғоқ Кенгашига грек ёнғоғининг мағзи бўйича тушунтириш брошюрасини тайёрлагани ва чоп этгани учун миннатдорчилик билдиради.



A close-up photograph of several walnuts, showing their characteristic wrinkled, light brown shells. The focus is sharp on the central walnut, with others in the foreground and background slightly blurred.


I

МАҲСУЛОТ ТАЪРИФИ

Ушбу стандарт *Juglans regia* L. туридан олинган тўғридан-тўғри истеъмол қилиш ёки қайта ишлов берилмасдан бевосита бошқа маҳсулотлар билан аралаштириб истеъмол қилиш учун мўлжалланган грек ёнғоғи навларининг (маданийлаштирилган навлари) мағизларига тааллуқлидир. Ушбу стандарт тузлаш, шакарлаш, хушбўй ҳид бериш, қовуриш йўли билан ишлов берилган ёки саноат корхоналарига ишлов бериш учун мўлжалланган грек ёнғоғи мағзига тааллуқли эмас.

ИЗОҲ

Грек ёнғоғи мағизлари ранги, шакли ва ўлчами билан фарқланади (1-2 расм)



1-расм. Грек ёнғоғи яримта мағизининг анатомияси

Прожилки – томирлари

Перегородки – тўсиқлари

Пелликула (кожица) – пелликуласи (териси)



2-расм. Грек ёнгоғи яримта мағизининг ранглари



II

СИФАТИГА
ТЕГИШЛИ
ҲОЛАТЛАР

Ушбу стандартнинг мақсади тайёрлаш ва қадоқлашдан кейин экспорт назорати босқичидаги ёнғоқ мағизлари сифатига талабларни аниқлашдир.

Шу билан бирга, ушбу стандартни экспорт қилишдан кейинги босқичларда қўлланилганда маҳсулотнинг эгаси (сотувчиси) унинг белгиланган талабларга мувофиқлиги учун масъулдир. Ушбу стандарт талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотларнинг эгаси (сотувчиси) бундай маҳсулотларни кўрсатишга, уларни сотиш учун таклиф қилишга, сотиш учун этказиб беришга ёки бошқа усул билан сотишга ҳақли эмас.

А. МИНИМУМ ТАЛАБЛАР¹

Барча ёнғоқ навларининг мағизлари, ҳар бир нав учун алоҳида шароитлар ва рухсат этилган қўйимларни ҳисобга олган ҳолда, қўйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак:


Ёнғоқ мағзи қўйидагича бўлиши керак:

- Сифатли, чириши ёки сифатининг ёмонлашиши, уни инсон истеъмоли учун яроқсиз ҳолга келтириши мумкин бўлган маҳсулотга рухсат этилмайди.
- Тоза, деярли кўзга кўринадиган бегона моддалар, жумладан ёпишиб қолган қобиғи қисмларининг бўлмаслиги.

ИЗОҲ:

"Деярли йўқ" учун мақбул чегара - бу умумий сирт майдонининг 10 фоизидан кўп бўлмаган қисмида ёпишган қобиқ ёки қисмларнинг қолдиқлари.

3-расмда кўриниши мумкин бўлган бегона моддаларнинг намуналари келтирилган.




3-расм. Ёнғоқ мағзига ёпишган қобиқ (рухсат этилмайди)

¹ Атамалар ва нуқсонларнинг таърифлари намунавий стандарт формасининг "Қуруқ (бутун ёнғоқлар ва ёнғоқ мағизлари) ва қуритилган маҳсулотларнинг стандартлари учун тавсия этиладиган шартлар ва камчиликлар" номли III иловасида келтирилган.

http://www.unece.org/trade/agr/standard/dry/StandardLayout/StandardLayoutDDP_e.pdf.

- етарлича ривожланган, ёнғоқ мағзи юзасининг 25% дан кўпроғини ташкил этадиган жуда ясси ва ёрилиб кетган, қуриган ёки қотиб қолган қисмларининг мавжуд бўлиши, ҳамда уларнинг буришиб қолиши ёки мўртлашишига йўл қўйилмайди;



4-расм. Етарлича ривожланган ёнғоқ мағзи
(рухсат этилади)



5-расм. Қуриб қолган ёки буришиб қолган
ёнғоқ мағзи
(ёнғоқ мағзининг 25 фоиздан ортиғи –
рухсат этилмайди)

- юзаси нуқсонларсиз, мағиз юзасининг 25% дан кўпроғини қоплайдиган ёнғоқ мағзининг қолган қисмидан аниқ фарқ қилувчи ранги ўзгарган жойларнинг (ёғ доғлари ёки оддий доғлар) мавжуд бўлмаслиги.
- Эслатма: қирилган жойлари юзадаги нуқсонга кирмайди.



6-расм. Юзасида нуқсонлари мавжуд бўлган
ва ранги ўзгарган ёнғоқ мағзи
(ёнғоқ мағзининг 25 фоиздан ортиғи –
рухсат этилмайди)



7-расм. қирилган ёнғоқ мағзи
(рухсат этилади)

- тирик зараркунандаларсиз, уларнинг ривожланиш босқичидан қатъий назар.
- зараркунандалар томонидан етказилган зарарлар мавжуд эмаслиги, шу жумладан ўлик ҳашаротлар ва каналар, уларнинг қолдиқлари ёки чиқиндиларининг мавжуд бўлмаслиги.



8-расм. Зараркунанда ҳашаротлар томонидан зарарланган ёнғоқ мағзи.

(рухсат этилмайди)

- кўзга кўринадиган моғор толаларининг мавжуд эмаслиги.

ИЗОҲ

Кўзга кўринадиган моғор толаларининг, қобиқда ёки мағзида бўлишига йўл қўйилмайди (9-расм).



9-расм. Моғор (рухсат этилмайди)

- тахир бўлмаслиги

ИЗОҲ

Хиралашган ёнғоқ мағизлари ёқимсиз ҳид ёки чириган тахир таъмга эга бўлган мағизлардир. Изоҳ: Баъзи маҳсулотлар тўқ рангли ёки ёғли кўринишга эга бўлиши мумкин ва хушбўй бўлмаслиги мумкин (10-расм).



- 10-расм. Тахир бўлиши мумкин, аммо ёнғоқ мағизлари сенсор таҳлилдан ўтказилиши керак.

ИЗОҲ

Ушбу ҳолат ортиқча намликни, масалан, пакет ичида сувнинг мавжудлигини англатади. II. В бўлимидаги келтирилган максимал намлик миқдорига мувофиқликни таъминлаши керак.

- Бегона ҳид ва мазасиз

ИЗОҲ

Ушбу ҳолатда қониқарсиз шароитларда сақланадиган ёки ташиладиган ёнғоқ мағизларига нисбатан қўлланилиши натижасида улар ғайриоддий ҳид ва таъмга эга бўлади, айниқса бошқа кучли ҳидга эга маҳсулотлар яқинида бўлган ҳолларда.

Ёнғоқ мағизларининг ҳолати қуйидагича бўлиши керак:

- Транспортда ташиш, юклаш ва тушириш ишларига бардош бериш;
- Қониқарли ҳолатда ўз манзилларига етказилиши керак.

А. НАМЛИК ДАРАЖАСИ

Ёнғоқ мағзидаги намлик 5,0% дан ошмаслиги керак. Тушунмовчилик пайдо бўлган тақдирда лабораториядаги эталон услуби қўлланади.

ИЗОҲ

Максимал намлик маҳсулотни тижоратлаштириш мақсадида унинг рухсат этилган максимал миқдорини англатади.

В. ТАСНИФЛАШ

IV бўлим “Бардошлилик тўғрисидаги қоидалар”да келтирилган нуқсонларнинг қўйимларига мувофиқ ёнғоқ мағизлари қуйидаги навларга бўлинади:

Олий нав, биринчи нав ва иккинчи нав.

Рухсат берилган камчиликлар маҳсулотнинг ташқи умумий кўринишига, унинг сифатига, сақлашга бардошлилигига ва қадоқдаги маҳсулот кўринишига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак.



III

**МАҲСУЛОТНИНГ
ЎЛЧАМИГА (СОТУВГА
ЧИҚАРИЛИШ
ШАКЛЛАРИ) ТЕГИШЛИ
ҲОЛАТЛАР**

Сотувга чиқарилиш шаклларига қараб мағизлар қуйидагиларга бўлинади:

I	«яримта мағизлар»	Ўлчамлари бир бирига яқин бўлган ва шакли бузилмаган икки ёки ундан ортиқ бўлақларга бўлинган ёнғоқ мағизлари
II	«чети учган мағизлар»	Чорак қисмидан катта бўлмаган қисми синган яримта мағизлар
III	«чоракта мағиз»	Ўлчамлари бир бирига яқин бўлган тўрт қисмга бўлинган ёнғоқ мағизлари
IV	«йирик бўлақлар»	“Чети учган мағизлар”дан кичик, лекин “майдаланган мағиз бўлақлари”дан катта бўлган бўлақлар
V	«майдаланган мағиз бўлақлари»	диаметри 8 миллиметрли юмалоқ тешикли элақдан ўтадиган, лекин диаметри 3 миллиметрли юмалоқ тешикли элақдан ўтмайдиган ёнғоқ мағизларининг бўлақлари

Фақат яримта мағизлар учун - бир килограммдаги бўлақлар сонини кўрсатиш ихтиёрийдир. Турли шаклга эга бўлақларнинг аралашмаси учун ҳар бир шаклдаги маҳсулотнинг фоизи кўрсатилиши шарт. Ўлчамлар бўйича қўйимлар жадвали қўлланилмайди

ИЗОҲ

Ёнғоқ мағизлари турли хил шаклларда сотувга чиқарилади. Сотувга чиқариладиган ёнғоқ мағизларининг шаклларига мисоллар 11-15 расмларда кўрсатилган.



11-расм. Яримта мағизлар (ўлчамлари бир бирига яқин бўлган ва шакли бузилмаган икки ёки ундан ортиқ бўлақларга бўлинган ёнғоқ мағизлари)



12-расм. Чети учган мағизлар (чорак қисмидан катта бўлмаган қисми синган яримта мағизлар)



13-расм. Чоракта мағизлар (ўлчамлари бир бирига яқин бўлган тўрт қисмга бўлинган ёнғоқ мағизлари)



14-расм. Йирик бўлақлар (“чети учган мағизлар”дан кичик, лекин “майдаланган мағиз бўлақлари”дан катта бўлган бўлақлар)



15-расм. Майдаланган мағиз бўлақлари (диаметри 8 миллиметрли юмалоқ тешикли элақдан ўтадиган, лекин диаметри 3 миллиметрли юмалоқ тешикли элақдан ўтмайдиган ёнғоқ мағизларининг бўлақлари)



IV

ҚҰЙЫМЛАРГА ТЕГИШЛИ
ХОЛАТЛАР

Ҳар бир партияда сотувнинг барча босқичларида маҳсулотнинг мавжуд бўлишига рухсат берилади, белгиланган навнинг сифати ва ўлчамларига қўйиладиган минимал талабларга жавоб бермайди.

ИЗОҲ

Қўйимлар маҳсулотга ишлов беришдаги оғишларни ва вақт ўтиши билан маҳсулотнинг ҳолатини табиий равишда ёмонлашишини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Қўйимларга мувофиқлик, камида, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ИХРТ) Кенгашининг Мева ва сабзавотларга халқаро [C(2006)95] стандартларни қўллаш бўйича схемасини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги ИХРТ Кенгашининг II иловасида келтирилган қўйимларга мувофиқлигини текшириш бўйича операция қоидалардан фойдаланган ҳолда текширилиши керак (<http://www.oecd.org/agriculture/fruit-vegetables> сайтидан юклаб олиш мумкин).

Маҳсулот партиясининг белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги қарор ушбу талабларга жавоб бермайдиган маҳсулотларнинг умумий намунадаги фоизига қараб қабул қилинади. 16-расм.

А. СИФАТ БЎЙИЧА ҚҰЙИМЛАР

РУХСАТ ЭТИЛАДИГАН НУҚСОНЛАР	Рухсат берилган қўйимлар, нуқсонли маҳсулотнинг вазнига фоиз нисбати		
	Олий нав	Биринчи нав	Иккинчи нав
(a) минимал талабларга жавоб бермайдиган маҳсулот учун қўйимлар бардошлик талаблари кўпи билан:	4	6	8
моғорлаган ёнғоқ мағизлари	0,5	1	2
тахир бўлиб қолган ёнғоқ мағизлари, бегона ҳид ва мазали ёнғоқ мағизлари	1	1	2
чириган ва бузилган ёнғоқ мағзи	0,5	1	2
зараркунанда хашаротлар томонидан зарарланган ёнғоқ мағзи	1	1	2
тирик хашаротлар мавжуд бўлган ёнғоқ мағзи	0	0	0
(b) бошқа нуқсонларга белгиланган қўйимлар: бегона моддалар, қобиқ бўлаклари, пўстлоқ қолдиқлари	0,5	1	1
(c) ранглар бўйича қўйимлар: тегишли нав учун белгиланганидан тўқроқ рангли мағизлар фоизи	15	15	15



16-расм. Бегона моддаларга мисоллар, шу жумладан ўтин, тош, дарахт шоҳи, ёнғоқ қобиғи ва тўсиқлар

В. СОТУВГА ЧИҚАРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТНИНГ ЎЛЧАМИ(ШАКЛИ) БЎЙИЧА ҚЎЙИМЛАР

СОТУВГА ЧИҚАРИЛАДИГАН ШАКЛ	Минимал фоизи ва рухсат этилган қўйимлар (мағиз вазни бўйича фоиз нисбатда)					
	яримта мағизлар	чети учган мағизлар	чоракта мағиз	йирик бўлақлар	майдаланган мағиз бўлақлари	мағиз фрагментлари
яримта мағизлар	85 ^a	15 ^b	5 ^c	5 ^c	1 ^c	1 ^c
чети учган мағизлар		85 ^a	15 ^b	5 ^c	5 ^c	1 ^c
чоракта мағиз			85 ^a	15 ^b	5 ^c	1 ^c
йирик бўлақлар				85 ^a	15 ^b	1 ^c
майдаланган мағиз бўлақлари				10 ^b	90 ^a	1 ^d

^a Минимал фоизи.
^b рухсат этилган қўйимлар.
^c 15-фоизли қўйимга киритилган.
^d 10- фоизли қўйимга киритилган.



A close-up photograph of several light-colored, smooth walnut kernels resting on a dark, textured walnut shell. The background is blurred, showing more of the same scene.

V

**МАҲСУЛОТНИНГ
ТАШҚИ
КЎРИНИШИГА
ТЕГИШЛИ ҲОЛАТЛАР**

А. Бир хиллик

Ҳар бир қадоқнинг таркиби бир хил бўлиши керак ва фақат бир хил нав, сифат, ўлчам (калибрланган бўлса) ва турдаги (агар кўрсатилган бўлса) ёнғоқ мағзидан иборат бўлиши керак.

Қадоқнинг кўринадиган қисми бутун қадоқ таркиби билан бир хил бўлиши керак.


ИЗОҲ

Маҳсулот тақдими чалғитувчи бўлмаслиги керак, яъни, қадоқ таркибининг пастки қатламларида кўришиб турадиган қисмга ва маркировкасига нисбатан паст сифатли ва кичик ўлчамли маҳсулотни яшириб қадоқлашга йўл қўйилмайди. Бир хиллик бўйича мисоллар 17 дан 21 гача расмларда келтирилган.

Рангларнинг бир хиллиги²

Тегишли навлар учун рангларнинг бир хиллигига нисбатан қуйидаги қоидалар қўлланилади.

- **Олий нав:** бу навдаги ёнғоқ мағизлари бир хил оч рангга эга бўлиши керак бўлиб, деярли тўқ сомон ва / ёки сарғиш-лимон рангсиз, тўқ жигаррангга рухсат берилмайди.
- **Биринчи нав:** бу навдаги ёнғоқ мағизлари оч жигарранг ва / ёки сарғиш-лимон рангдан тўқроқ бўлмаслиги керак.
- **Иккинчи нав:** бу навдаги ёнғоқ мағизлари тўқ жигаррангдан тўқ бўлмаган рангга эга бўлиши керак. Тўқ рангдаги мағизларнинг ранги қадоқда кўрсатилган бўлса, ушбу нав сифатида сотилиши мумкин.
- Қизғиш рангга эга бўлган навларга ранг талаблари қўлланилмайди.



17-расм. Олий навли ёнғоқ мағзи рангининг бир хиллиги

² Турли хил ранглар акс эттирилган расмий колориметрик шкала қуйидаги манзилда мавжуд:

http://www.unece.org/fileadmin/DAM/trade/agr/standard/dry/Publications/ECE_DDP-02_WalnutKernels.pdf



18-расм. Биринчи навли ёнғоқ мағзи рангининг бир хиллиги



19-расм. Иккинчи навли ёнғоқ мағзи рангининг бир хиллиги



20-расм. Қизғиш рангли ёнғоқ мағзи (масалан, Ливермор тури)



21-расм. Қадокдаги рангнинг бир хиллиги

В. ҚАДОҚЛАШ

Ёнғоқ мағизлари, маҳсулотнинг тўғри сақланишини таъминлаган ҳолда қадоқланган бўлиши керак.

Пакет ичида ишлатиладиган материаллар тоза ва сифатли бўлиб, маҳсулотга ташқи ёки ички зарар этказмаслиги керак. Савдо белгиларига эга материаллар, хусусан қоғоз ишлатилган тақдирда матнларни ёзиш ва ёрлиқларни ёпиштириш учун заҳарли бўлмаган сиёҳ ва елимдан фойдаланишга рухсат берилади.

Қадоқларда "IV. Қўйимлар тўғрисидаги қоидалар" бўлимида келтирилган қўйимлар жадвалига мувофиқ ҳеч қандай бегона моддалар бўлмаслиги керак.

ИЗОҲ

Қадоқланиши, ташиш, ортиш ва тушириш пайтида мағизларнинг сақланишини таъминлай оладиган сифатли ва мустаҳкам бўлиши керак.

Ушбу қоиданинг мақсади қадоқ ичида маҳсулотнинг тўғри сақланишини таъминловчи материаллардан фойдаланишдир. Маҳсулотнинг тақдиротида салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган барглار, қум ёки тупроқ каби бегона моддалардан ҳимоя қилиш учун тоза материаллардан фойдаланиш зарур. Бир нечта қадоқларнинг етарлича тоза кўринмаслиги, товарларни қабул қилишдан бош тортишга олиб келиши мумкин.

Қадоқлаш мисоллари 22 ва 23-расмларда келтирилган.



22-расм. Чакана савдо ёки истемол қадоқланишининг мисоли



23-расм. Қадоклар ёки картон қутига мисоллар.



VI

**ЁРЛИҚЛАНИШИГА
ТЕГИШЛИ ҲОЛАТЛАР**

Ҳар бир қадоқда қуйидаги маълумотлар аниқ ва ўчирилмайдиган шрифт билан ёзилиши зарур ва улар бир томонга тўпланган бўлиши ҳамда ташқи томондан кўриниб туриши керак:

ИЗОҲ

Ҳар бир пакетда кўрсатилиши керак бўлган барча маълумотлар ўчиб кетмайдиган сиёҳ билан пакетга бириктирилган ёрлиққа ёки пакетнинг ўзига ёзилган бўлади ва улар бир томондан тўпланган бўлиши керак. Қайта ишлатиладиган қадоқлар учун аввалги ёрлиқлар эҳтиёткорлик билан олиб ташланади ёки аввалги ёзувлар ўчирилади.

Қадоқлаш мисоллари 24 ва 25-расмларда келтирилган.

А. ТАНИТУВЧИ БЕЛГИЛАР

Қадоқловчи ва / ёки жўнатувчи:

Номи ва манзили (масалан, кўча, шаҳар, туман, почта индекси ва мамлакат, агар ишлаб чиқарилган мамлакатдан фарқ қиладиган бўлса) ёки ваколатли миллий орган томонидан расман тан олинган код белгиси.

ИЗОҲ

Текширув мақсадлари учун, "қадоқловчи" атамаси маҳсулотни қадоқлаш учун жавобгар бўлган шахсни ёки компанияни аниқлатади (бу аслида ушбу ишни бажарадиган ва фақат ўз иш берувчиси олдида жавобгар бўлган ходимларни аниқлатмайди). Код белгиси савдо маркаси эмас, балки қадоқлаш учун жавобгар шахс ёки компанияни аниқлашни осонлаштирадиган расмий назорат тизими. Юк ташувчи (етказиб берувчи ёки экспорт қилувчи) мутлақ жавобгарликни ўз зиммасига олиши мумкин, бунда юқоридаги таърифга мувофиқ "қадоқловчи" кўрсатмаси ихтиёрийдир.

Маркаланишига мисоллар 24 ва 25 расмларда кўрсатилган.

B. МАҲСУЛОТ ТАВСИФИ

- «Грек ёнғоғи мағизлари»

C. МАҲСУЛОТНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

- ишлаб чиқарган мамлакат ва ихтиёрий равишда, ўстирилган туман ёки миллий, минтақавий ёки маҳаллий жой номи.

ИЗОҲ

Ёрлиқлашда ишлаб чиқарилган мамлакат кўрсатилиши керак, яъни ёнғоқ ўстирилган мамлакат (масалан, "АҚШ маҳсулотлари" ёки "Франция маҳсулотлари"). Ихтиёрий равишда, келиб чиққан ҳудуднинг миллий, минтақавий ёки маҳаллий номи ҳам кўрсатилиши мумкин, масалан, "Калифорния грек ёнғоқлари" ёки "Перигорск грек ёнғоқлари" ёки "Гренобль грек ёнғоқлари"

D. МАҲСУЛОТ ТАВСИФИ

- Нави.
- Сотувга чиқариш шакли. Турли шаклдаги маҳсулот аралашмаси мавжуд бўлганда, ҳар бир шаклдаги маҳсулотнинг фоизи кўрсатилади.
- Бир килограмм учун яримта бўлакларнинг сони (ихтиёрий).
- Ҳосил йиғилган йили (ихтиёрий).
- "Яроқлилиқ муддати" сана кўрсатилган ҳолда (ихтиёрий).

E. НАЗОРАТ ҲАҚИДАГИ РАСМИЙ БЕЛГИ (ИХТИЁРИЙ)

1983 йилда қабул қилинган.

Охириги марта 2017 йилда қайта ишланган.

VI

ЁРЛИҚЛАНИШИГА ТЕГИШЛИ ҲОЛАТЛАР



24-расм. Картон қутига босилган маркировканинг мисоли
Страна происхождения – Ишлаб чиқарувчи мамлакат
Наименование и адрес упаковщика – Қадокловчининг номи ва манзили
Продукт – маҳсулот



25-расм. Чакана/истеъмол қадокқа босилган маркировканинг мисоли
Упаковщик – Қадокловчи
Продукт – маҳсулот
Калибр – Ўлчами
Сорт – Нави
Район (факультативно) – Туман (ихтиёрий)
Страна происхождения – Ишлаб чиқарувчи мамлакат
Адрес – Манзили
Код партии/предельный срок реализации – маҳсулот партиясининг коди /сотувга чиқаришнинг сўнги муддати

ИЛОВА



БМТ ЕИКнинг ёнғоқ мағзининг маркетинги ва тижорат сифатини назорат қилиш бўйича DDP-02 стандарти

I. МАҲСУЛОТ ТАЪРИФИ

Ушбу стандарт *Juglans regia* L. туридан олинган тўғридан-тўғри истеъмол қилиш ёки қайта ишлов берилмасдан бевосита бошқа маҳсулотлар билан аралаштириб истеъмол қилиш учун мўлжалланган ёнғоқ навларининг (маданийлаштирилган навлари) мағизларига тааллуқлидир. Ушбу стандарт тузлаш, шакарлаш, хушбўй ҳид бериш ёки қовуриш йўли билан ишлов берилган ёки саноат корхоналарида ишлов бериш учун мўлжалланган ёнғоқ мағзига тааллуқли эмас.

II. СИФАТИГА ТЕГИШЛИ ҲОЛАТЛАР

Ушбу стандартнинг мақсади тайёрлаш ва қадоқлашдан кейин экспорт назорати босқичидаги ёнғоқ мағизлари сифатига талабларни аниқлашдир.

Шу билан бирга, ушбу стандарт экспорт қилишдан кейинги босқичларда қўлланилганда маҳсулотнинг эгаси/сотувчиси унинг белгиланган талабларга мувофиқлиги учун масъулдир. Ушбу стандарт талабларига жавоб бермайдиган маҳсулотларнинг эгаси/сотувчиси бундай маҳсулотларни кўрсатишга ёки уларни сотиш учун таклиф қилишга ёки сотиш учун этказиб беришга ёки бошқа усул билан сотишга ҳақли эмас.

A. Минимум талаблар³

Барча ёнғоқ навларининг мағизлари, ҳар бир нав учун алоҳида шароитлар ва рухсат этилган қўйимларни ҳисобга олган ҳолда, қуйидаги хусусиятларга эга бўлиши керак:

Ёнғоқ мағзи қуйидагича бўлиши керак:

- Бутун, лекин 25 фоизи ёки ундан кам қисми бўлмаган мағизлар яримта ҳисобланади.
- Сифатли, чириши ёки сифатининг ёмонлашиши, уни инсон истеъмоли учун яроқсиз ҳолга келтириши мумкин бўлган маҳсулотга рухсат этилмайди.
- Тоза, деярли кўзга кўринадиган бегона моддалар, жумладан ёпишиб қолган қобиғи қисмларининг бўлмаслиги.
- етарлича ривожланган, ёнғоқ мағзи юзасининг 25% дан кўпроғини ташкил этадиган жуда ясси ва ёрилиб кетган, қуриган ёки қотиб қолган қисмларининг мавжуд бўлиши, ҳамда пуч ёнғоқларнинг бўлишига йўл қўйилмайди.
- юзаси нуқсонларсиз, мағиз юзасининг 25% дан кўпроғини қоплайдиган ёнғоқ мағзининг қолган қисмидан аниқ фарқ қилувчи ранги ўзгарган жойларнинг (ёғ доғлари ёки оддий доғлар) мавжуд бўлмаслиги. Эслатма: қирилган жойлари юзадаги нуқсонга кирмайди
- тирик зараркунандаларсиз, уларнинг ривожланиш босқичидан қатъий назар.
- зараркунандалар томонидан етказилган зарарларсиз, шу жумладан ўлик ҳашаротлар ва/ёки каналар, уларнинг қолдиқлари ёки чиқиндиларининг мавжуд бўлмаслиги.

³ Атамалар ва нуқсонларнинг таърифлари намунавий стандарт формасининг "Қуруқ (бутун ёнғоқлар ва ёнғоқ мағизлари) ва қурилган маҳсулотларнинг стандартлари учун тавсия этиладиган шартлар ва камчиликлар" номли III иловасида келтирилган;

http://www.unece.org/trade/agr/standard/dry/StandardLayout/StandardLayoutDDP_e.pdf.

- кўзга кўринадиган моғор толаларининг мавжуд эмаслиги.
- Тахир бўлмаслиги.
- Файриоддий намликсиз.
- Бегона ҳид ва/ёки мазасиз

Ёнғоқ мағизларининг ҳолати қуйидагича бўлиши керак:

- Транспортда ташиш, юклаш ва тушириш ишларига бардош бериши;
- қониқарли ҳолатда ўз манзилларига этказилиши керак.

В. НАМЛИК ДАРАЖАСИ⁴

Ёнғоқ мағиздаги намлик 5,0% дан ошмаслиги керак.

С. ТАСНИФЛАШ

IV бўлим “Бардошлилик тўғрисидаги қоидалар”да келтирилган нуқсонларнинг қўйимларига мувофиқ ёнғоқ мағизлари қуйидаги навларга бўлинади:

Олий нав, биринчи нав ва иккинчи нав.

Рухсат берилган камчиликлар маҳсулотнинг ташқи умумий кўринишига, унинг сифатига, сақлашга бардошлилигига ва қадоқдаги маҳсулот кўринишига салбий таъсир кўрсатмаслиги керак.

⁴ Намлик стандарт схеманинг «Қуруқ маҳсулотдаги намликни аниқлаш» деб номланган II-иловасида кўрсатилган усуллардан бири ёрдамида аниқланади;

http://www.unece.org/trade/agr/standard/dry/StandardLayout/StandardLayoutDDP_e.pdf

Агар низо юзага келса, эталон лаборатория ўсули қўлланилади.

III. МАҲСУЛОТНИНГ ЎЛЧАМИГА (СОТУВГА ЧИҚАРИЛИШ ШАКЛЛАРИ) ТЕГИШЛИ ҲОЛАТЛАР

Сотувга чиқарилиш шаклларига қараб мағизлар қуйидагиларга бўлинади:

I	«яримта мағизлар»	Ўлчамлари бир бирига яқин бўлган ва шакли бузилмаган икки ёки ундан ортиқ бўлақларга бўлинган ёнғоқ мағизлари
II	«чети учган мағизлар»	Чорак қисмидан катта бўлмаган қисми синган яримта мағизлар
III	«чоракта мағиз»	Ўлчамлари бир бирига яқин бўлган тўрт қисмга бўлинган ёнғоқ мағизлари
IV	«йирик бўлақлар»	“Чети учган мағизлар” дан кичик, лекин “майдаланган мағиз бўлақлари” дан катта бўлган бўлақлар
V	«майдаланган мағиз бўлақлари»	диаметри 8 миллиметрли юмалоқ тешикли элақдан ўтадиган, лекин диаметри 3 миллиметрли юмалоқ тешикли элақдан ўтмайдиган ёнғоқ мағизларининг бўлақлари

Фақат яримта мағизлар учун - бир килограммдаги бўлақлар сонини кўрсатиш ихтиёрийдир. Турли шаклга эга бўлақларнинг аралашмаси учун ҳар бир шаклдаги маҳсулотнинг фоизи кўрсатилиши шарт. Ўлчамлар бўйича қўйимлар жадвали қўлланилмайди.

IV. ҚҰЙИМЛАРГА ТЕГИШЛИ ҲОЛАТЛАР

Ҳар бир партияда сотувнинг барча босқичларида белгиланган навнинг сифати ва ўлчамларига қўйиладиган минимал талабларга жавоб бермайдиган маҳсулотнинг мавжуд бўлишига рухсат берилади.

A. СИФАТ БЎЙИЧА ҚҰЙИМЛАР

РУХСАТ ЭТИЛАДИГАН НУҚСОНЛАР	Рухсат берилган қўйимлар, нуқсонли маҳсулотнинг вазнига фоиз нисбати		
	Олий нав	Биринчи нав	Иккинчи нав
(b) минимал талабларга жавоб бермайдиган маҳсулот учун қўйимлар бардошлик талаблари кўпи билан:	4	6	8
моғорлаган ёнғоқ мағизлари	0,5	1	2
тахир бўлиб қолган ёнғоқ мағизлари, бегона ҳид ва мазали ёнғоқ мағизлари	1	1	2
чириган ва бузилган ёнғоқ мағзи	0,5	1	2
зараркунанда хашаротлар томонидан зарарланган ёнғоқ мағзи	1	1	2
тирик хашаротлар мавжуд бўлган ёнғоқ мағзи	0	0	0
(d) бошқа нуқсонларга белгиланган қўйимлар: бегона моддалар, қобиқ бўлаклари, пўстлоқ қолдиқлари	0,5	1	1
(e) ранглар бўйича қўйимлар: тегишли нав учун белгиланганидан тўқроқ рангли мағизлар фоизи	15	15	15

В. СОТУВГА ЧИҚАРИЛАДИГАН МАҲСУЛОТНИНГ ЎЛЧАМИ/ШАКЛИ
БЎЙИЧА ҚЎЙИМЛАР

СОТУВГА ЧИҚАРИЛАДИГАН ШАКЛ	Минимал фоизи ва рухсат этилган қўйимлар (мағиз вази бўйича фоиз нисбатда)					
	яримта мағизлар	чети учган мағизлар	чоракта мағиз	йирик бўлақлар	майдаланган мағиз бўлақлари	мағиз фрагментлари
яримта мағизлар	85 ^a	15 ^b	5 ^c	5 ^c	1 ^c	1 ^c
чети учган мағизлар		85 ^a	15 ^b	5 ^c	5 ^c	1 ^c
чоракта мағиз			85 ^a	15 ^b	5 ^c	1 ^c
йирик бўлақлар				85 ^a	15 ^b	1 ^c
майдаланган мағиз бўлақлари				10 ^b	90 ^a	1 ^d

^a Минимал фоизи.
^b рухсат этилган қўйимлар.
^c 15-фоизли қўйимга киритилган.
^d 10- фоизли қўйимга киритилган.

V. МАҲСУЛОТНИНГ ТАШҚИ КЎРИНИШИГА ТЕГИШЛИ ҲОЛАТЛАР

A. БИР ХИЛЛИК

Ҳар бир қадоқнинг таркиби бир хил бўлиши керак ва фақат бир хил нав, сифат, ўлчам (калибрланган бўлса) ва турдаги (агар кўрсатилган бўлса) ёнғоқ мағзидан иборат бўлиши керак.

Қадоқнинг кўринадиган қисми бутун қадоқ таркиби билан бир хил бўлиши керак.

Рангларнинг бир хиллиги 9

Тегишли навлар учун рангларнинг бир хиллигига нисбатан қуйидаги қоидалар қўлланилади.

- **Олий нав:** бу навдаги ёнғоқ мағизлари бир хил оч ранга эга бўлиши керак бўлиб, деярли тўқ сомон ва / ёки сарғиш-лимон рангсиз; тўқ жигаррангга рухсат берилмайди.
- **Биринчи нав:** бу навдаги ёнғоқ мағизлари оч жигарранг ва / ёки сарғиш-лимон рангдан тўқроқ бўлмаслиги керак.
- **Иккинчи нав:** бу навдаги ёнғоқ мағизлари тўқ жигаррангдан тўқ бўлмаган ранга эга бўлиши керак. Тўқ рангдаги мағизларнинг ранги қадоқда кўрсатилган бўлса, ушбу нав сифатида сотилиши мумкин.
- Қизғиш ранга эга бўлган навларга ранг талаблари қўлланилмайди.

B. ҚАДОҚЛАШ

Ёнғоқ мағизлари, маҳсулотнинг тўғри сақланишини таъминлаган ҳолда тарзда қадоқланган бўлиши керак.

Пакет ичида ишлатиладиган материаллар тоза ва сифатли бўлиши керак бўлиб, маҳсулотга ташқи ёки ички зарар этказмаслиги керак. Савдо белгиларига эга материаллар, хусусан қоғоз ишлатилган тақдирда матнларни ёзиш ва ёрлиқларни ёпиштириш учун заҳарли бўлмаган сиёҳ ва элимдан фойдаланишга рухсат берилади.

Қадоқларда “IV. Қўйимлар тўғрисидаги қоидалар” бўлимида келтирилган қўйимлар жадвалига мувофиқ ҳеч қандай бегона моддалар бўлмаслиги керак.

VI. ЁРЛИҚЛАНИШИГА ТЕГИШЛИ ҲОЛАТЛАР

Ҳар бир қадокда¹⁰ қуйидаги маълумотлар аниқ ва ўчирилмайдиган шрифт билан ёзилиши зарур ва улар бир томонга тўпланган бўлиши ҳамда ва ташқи томондан кўриниб туриши керак:

A. ТАНИТУВЧИ БЕЛГИЛАР

Қадокловчи ва / ёки жўнатувчи:

Номи ва манзили (масалан, кўча / шаҳар / туман / почта индекси ва мамлакат, агар ишлаб чиқарилган мамлакатдан фарқ қиладиган бўлса) ёки ваколатли миллий орган томонидан расман тан олинган код белгиси¹¹.

B. МАҲСУЛОТ ТАВСИФИ

«Грек ёнғоғи мағизлари»

C. МАҲСУЛОТНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИ

• ишлаб чиқарган мамлакат¹² ва ихтиёрий равишда, ўстирилган туман ёки миллий, минтақавий ёки маҳаллий жойнинг номи.

D. МАҲСУЛОТ ТАВСИФИ

- Нави.
- Сотувга чиқариш шакли. Турли шаклдаги маҳсулот аралашмаси мавжуд бўлганда, ҳар бир шаклдаги маҳсулотнинг фоизи кўрсатилади.
- Бир килограмм учун ярмта бўлакларнинг сони (ихтиёрий).
- Ҳосил йиғилган йили (ихтиёрий).
- "Яроқлилиқ муддати" сана кўрсатилган ҳолда (ихтиёрий).

E. НАЗОРАТ ҲАҚИДАГИ РАСМИЙ БЕЛГИ (ИХТИЁРИЙ)

1983 йилда қабул қилинган.
Охириги марта 2017 йилда қайта ишланган



**Бирлашган
Миллатлар
Ташкилоти**

